

## СУИЦИДНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА УНИ ОЛДИ ОЛИШДА ПРОФИЛАКТИКАНИНГ АҲАМИЯТИ

*Эргашев Дийёрбек Зафар ўгли*

*Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги*

*Академияси курсанти*

*E-mail: [diyorbekergashov226@gmail.com](mailto:diyorbekergashov226@gmail.com)*

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўз жонига қасд қилиш, яъни суициднинг келиб чиқиши тарихи ва дастлабки қуринишлари ҳамда унга олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитлар, ўз ўзини улдириш каби ҳолатларда профилактиканинг аҳамияти, ушбу ҳолатларнинг олдини олишда қилиниши лозим бўлган чора тадбирлар ва маҳалла ҳуқуқ-тарихот масканида олиб бориш тартиби ҳамжа ушбу ишоар натижасида эришиладиган натижалар ҳақида мақоламизда тўлиқроқ маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** суицид, ритуали, қурбонлик, иммунитет.

## ИСТОРИЯ ПРОИСХОЖДЕНИЯ СУИЦИДА И ЗНАЧЕНИЕ ПРОФИЛАКТИКИ В ЕГО ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается суицид, то есть история возникновения и первоначальных попыток суицида, а также причины и условия, которые к нему приводят, значение профилактики в таких ситуациях, как суицид, меры, которые следует предпринять для предотвращения этих ситуаций и поведение в районном центре правопорядка. В нашей статье представлена более подробная информация о процедуре и результатах, полученных в результате этого жеста.

**Ключевые слова.** самоубийство, ритуал, жертвоприношение, иммунитет.

Жамият ривожланиб борар экан, ҳуқуқбузарликлар содир этиш механизмлари ҳам мураккаблашиб боради. Шу боисдан бугунги кунда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш нафақат ички ишлар органларининг, балки барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.

Бугунги кунда долзарб муаммолар қаторида ўз жонига қасд қилиш муаммоси жаҳон мутахассислари томонидан чуқур ўрганилмоқда. Тан олиш керак-ки, айрим объектив ва субъектив сабаблар туфайли кенг оммага ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатларининг статистик маълумотлари ёритилмайди.

Бироқ бу муаммо тобора оммалашиб ва ҳаттоки «ёшариб» бориши барча мутахассисларни ўзига жалб этмоқда. Ваҳоланки, мазкур ҳолат бирор-бир маҳаллада қайд этилса, яқин 1-3 ой давомида аҳоли томонидан таҳлил этилиб, турли хил «миш-мишлар»га замин яратилади.

“Суицид” атамаси 1947 йилда италян психологи Г. Дзээ томонидан муомалага киритилган ва ўзбек тилида “ўз умридан маҳрум бўлиш ниятидаги хатти-ҳаракат”<sup>1</sup> маъносини англатади.

Умуман инсониятга суицид ҳодисаси антик даврдан бошлаб маълумдир. Масалан, барча соҳаларга эркинлик берган Қадимги Юнонистон ҳаттоки ўз жонига қасд қилиш ҳуқуқини ҳам ўз фуқароларига берган. Фақат ўлим жазосига маҳкум этилганлар бундай ҳуқуққа эга бўлган. Давлат (агеорэгус)нинг рухсатсиз бошқа ҳолатларда агар фуқаро ўз жонига қасд қилса, унинг танаси парчаланиб турли жойларга кўмилган. Агар давлат рухсат берса, яъни муҳокамага қўйилиб ижобий жавоб берилса, фуқаронинг ўз жонига қасд қилиши мумкин бўлган.<sup>2</sup>

Аммо Юстиниан (VI-аср Византия императори) қонунларида асоссиз ўз жонига қасд қилиш қораланади. “Ким агар ўзини аямаса, бошқани ҳам аямайди. Шунингдек, ўзини осган инсонни дафн қилмаслик лозим, чунки у ҳаёт қийинчиликлари туфайли эмас, балки ўзининг иродаси билан бу ишни амалга оширган. Бунда суицид жинояти, армиядан қочган аскар жиноятига тенглаштирилган”<sup>3</sup>

Ислом динига кўра инсоннинг жони ўзига тегишли эмас. У худдики Аллоҳ берган омонатдек қаралади. Демак жонни берган ўзи олади. Инсонни ўз жонига қасд қилишга ҳаққи йўқдир. Яна у энг катта гуноҳлардан бири сифатида қабул қилингандир. Зеро, Куръони каримда бу ҳақда шундай дейилган: яъни: “Сизларни бироз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириш йўли билан синагаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар беринг (эй, Мухаммад)! Уларга мусибат етганда: “Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз”, – дейдилар” (Бақара сураси, 155-оят)<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> В. Г. Самохвал. Особенности деструктивного поведения в молодежной среде. Текст научной статьи по

специальности «Психологические науки» <https://cyberleninka.ru>

<sup>2</sup> Проблема самоубийства в древней греции. <https://elib.bsu.by/bitstream.pdf>

<sup>3</sup> E.Sergeyeva. (2020). Artistic Identity of L. Solovyov's Novel "The Tale of Khodzha Nasreddin". European Journal

of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(6). <https://www.researchgate.net>.

<sup>4</sup> <http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/11458>.

Аслини олиб қараганда, ҳар бир диннинг тууб мазмунида ўзини тўлдириш қораланган, аммо диннинг вақт ўтиб бўлинишлар, гуруҳлар, оқимлар, секталарга бўлиниш оқибатида, баязи динларда ўзин ўлдириш шахидлик мартабаси сифатида баъҳоланган.

Суицид (лот. *sui caedere* – ўзини ўлдириш) – мақсадли равишда ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш, одатда, ихтиёрий ва мустақил равишда ўз жонига қасд қилиш. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатларига нисбатан жамият тараққиётининг турли даврларида ва турли маданиятларда ўзгача муносабат бўлганлиги кузатилади. Булар:



ва бошқа сабаблар.

Суицидга мукамал таърифни француз социологи Эмиль Дюркгейм берган. Унинг талқини бўйича, шахс томонидан ўзини кутаётган натижа ҳақида била туриб, содир қилинган салбий хатти-ҳаракатнинг бевосита ёки билвосита натижаси бўлмиш ҳар бир ўлим ҳолати ўз жонига қасд қилишдир. (Эмиль Дюркгеймнинг 1897 йилда нашр этилган “Суиқасд” асари суицидга оид адабиётнинг классик намунасидир. Ушбу асарда олим мавжуд статистик маълумотларга таяниб суиқасд нафақат психологик муаммо, балки ижтимоий илдизга эга хатар эканлигини исботлаган.). Ўз жонига қасд қилиш жамиятда, одамлар орасидаги муносабатларда инсон ўзи еча олмаган ёки одатий, ҳаммага маъқул бўлган йўл орқали ечишни истамаган муаммолар борлигидан, шахсий мусибат, умидсизлик ва тушкунлик билан боғлиқ ташвиш мавжудлигидан дарак беради. Ўз жонига қасд қилишга кўпинча узоқ давом этадиган касаллик, баъзан эса ногиронлик ҳам сабаб бўлиши мумкин. Жамиятлар тарихида ўз жонига қасд қилиш таҳқирга қарши нафрат, норозилик из-ҳор этиш йўлларида бири, ўз ор-номусини тиклаш воситаси, бошқа инсон-га содиқлик исботи бўлган. Масалан, Ҳиндистонда мавжуд бўлган «сати» удумига кўра тул қолган аёл эрининг жасади

ёнаётган гулханга ўзини ташлашга мажбур, акс ҳолда уни жамият нафрати умр давомида таъқиб этади. Ўзини қасддан ҳаётдан маҳрум қи-лиш одатда, оғир руҳий оғриқ ва стресс остида азоб ва муаммоларни енгиш учун қодир эмаслигини ҳис этиш билан боғлиқ. Улар тез-тез руҳий касалликка чалиниш, ҳиссий тартибсизликлар, руҳий тушкунлик оқибатида ҳам юз беради.

Суицидга сабаб бўлувчи асосий ижтимоий омиллар:

- парасуицид (аввал амалга ошмаган суицид таъсирида иккиламчи суицидни амалга ошириш);
- суицидиал таҳдидлар таъсирига тушиш;
- оилада суицид ҳолати қайд этилганлар;
- аутоагрессия;
- алкогольли ичимликларни истеъмол қилувчи шахслар (жами суицидларнинг 30 фоиз);
- наркоген ва токсик моддаларни истеъмол қилувчилар (алкоголь ва наркоген моддаларни сурункали истеъмол қилиш депрессия, тушкунлик, ўзини гуноҳкор ҳис этиш кайфиятини келтириб чиқаради, яшашга бўлган мотивацияни пасайтиради.);
- оғир депрессияга чалинганлар;
- хроник ва летал оқибатли (тузалишига умид йўқ бўлган ҳолатларда) касалликлар;
- оғир йўқотишларни (ўз яқинидан, яхши кўрганидан маҳрум бўлиш ва бошидан кечирганлар);
- оиладаги турли муаммолар (зўравонликлар, можаролар, ажралишлар ва ўсмирлар суиқасди деб аталадиган ҳолат ёки тиббиёт тили билан айтганда, жинсий балоғат давридаги суицид.

Юқорида айтиб ўтилган суицид сабаб булувчи омилларни айтиб ўтилган, ушбу омилларни бартараф этиш чораларини ўз вақтида амалга оширилса, жамияда суицид ҳолатлари ҳам камайиши мумкин.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида суицид ҳолатлари кам кўзатилмоқда. Аммо 2017 йилда янги пайдо бўлган уйин орқасидан қанчадан қанча ўсмирлар ўз жонига қасд қилганлар. Однокласник ижтимоий тармоғида «Ўзбекистон бўйлаб КЎК КИТ ови бошланди»<sup>5</sup> хавола орқали маълумот берилади. Тошкент шаҳар ИИББ ахборотида кўра, пойтахтда беш ўсмир “Кўк кит” ўйини натижасида “ўз жонига қасд қилишдан сақлаб қолинган”. Мамлакат бўйлаб ҳуқуқ-тартибот ходимлари, педагоглар ва руҳшунослардан иборат махсус гуруҳ ёшларни ушбу ўйин хавфидан огоҳлантириш ишларини олиб борилди. “Қирғизистон ва Қозоғистонда шу “Кўк кит” ўйини билан боғлиқ

<sup>5</sup> <https://ok.ru/ozodlikradiosi/topic/66462338348389>

фожиалардан хабар топгач, биз махсус тадбирлар ўтказдик. Интернет фойдаланувчилари текширилганида улар орасида шу ўйинни ўйнаётган тошкентлик болалар ҳам борлиги аниқланди. Болаларнинг ота-оналари билан боғланиб, ўйинни тўхтатишга муваффақ бўлдик”, деб ахборот берилган. Тошкент ҳуқуқ-тартибот идораларидан олинган маълумотга кўра, беш бола билан боғлиқ воқеадан сўнг “Кўк кит” ўйинига қарши махсус тадбирлар бошланганди. Мазкур тадбирлар доирасида прокуратура, милиция ходимлари, ўқитувчилар ва руҳшунослардан таркиб топган махсус гуруҳ тузилган.

Пойтахт маҳаллаларидан бирининг раиси Озодлик билан суҳбатда мазкур гуруҳ нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналари билан ҳам тушунтириш ишлари олиб борилган. Ушбу чора-тадбирлар ўз вақтида олиб борилиши натижасида мамлакатимизнинг бу каби ҳолатларнинг олди олинди, Ўз жонига қасд қилиш бу ерда ижтимоий тармоқ орқали содир этилаётган бўлса, вояга етмаган шахсни интернет ўз домига тортиб кетаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу мақсадда маҳаллада профилактик чора тадбирлар амагга оширувчи ва унга маъсул профилактика инспекторлари ўз тарғибот ташвиқот ишларни олиб боришда бош мақсади янги ҳуқуқбуузарлик содир этилишининг олдини олиш итиборат ҳисобланади. “Қасални даволагандан кўра, ўз вақтида олди олингани авзал”, деб бежизга айтилмаган.

### Фойдаланган адабиётлар:

1. <sup>1</sup> <https://arxiv.uz/uz/documents/kurs-ishlari/huquqshunoslik/u-u-iy-davlat-tushunchasi-va-tarifi-1>
2. <https://religions.uz/news/detail?id=391>
3. <https://lex.uz/docs/4494709?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>
4. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»  
<https://constitution.uz/uz/clause/index>
5. <https://ok.ru/ozodlikradiosi/topic/66462338348389> <sup>1</sup>  
<http://muslim.uz/index.php/maqolalar/item/11458>. <sup>1</sup>  
<https://www.gazeta.uz/oz/2021/02/16/16-february-1999/>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
7. E.Sergeyeva. (2020). Artistic Identity of L. Solovyov’s Novel “The Tale of Khodzha Nasreddin”. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(6). <https://www.researchgate.net>.
8. БМТ БА қарори 70/1 "Бизнинг дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача барқарор ривожланиш кун тартиби" (A / RES / 70/1)
9. Проблема самоубийства в древней греции. <https://elib.bsu.by/bitstream.pdf>
10. В.Г.Самохвал. Особенности деструктивного поведения в молодежной среде. Текст научной статьи по специальности «Психологические науки»  
<https://cyberleninka.ru>